



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 24 февраль, № 38 (6473) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК

Кўклам — уйғониш, янгиланиш фасли. Унинг тафти нафақат табиат, балки кўнгилларга ҳам ғайрату шижоат бахш этади. Дилларда жилваланган гўзаллик эса ҳаётимиз файзига файз қўшиши, шубҳасиз. Бунини айни кунларда шаҳару қишлоқларимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Дарҳақиқат, бир пайтлар мамлакатимизга ташриф буюрган сайёҳлар, асосан, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларимизни томоша қилиб, улардаги осорию асарлар, бетакрор обидалар қаршисида ҳайратга тушган бўлса, эндиликда Тошкент, Андижон, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Наманган, Қарши, Шахрисабз, Урганч, Навоий, Термиз каби ўнлаб кентларимиз ҳам маҳаллий ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум.



ИСЛОҲОТ

Муҳими, истиқлол шарофати билан чекка ва олис ҳудудларимиз ҳам тобора обод қиёфа касб этаётди. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо қилинаётган минглаб тураржойлар, тиббиёт, таълим ва спорт иншоотлари ҳудудлар

кўрига кўр қўшиш баробарида, халқимиз турмуш тарзи, дунёқарашида ҳам янгиланишларга сабаб бўлаётди. Қувонарлиси, бундай яратувчилик ишлари қизгин давом эттирилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг “2015 — 2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизи-



минини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда “2015 — 2019 йиллар даврида ижтимоий,

транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан комплекс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сизот сувлар сатҳини пасайтириш, Гулистон шаҳрини архитектуравий-режали қуришни тубдан янгилаш чора-тадбирлари

дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида”ги қарорига биноан, ҳозирги кунда Сирдарё вилояти марказида ана шундай истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти.

(Давоми 2-бетда).

Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг пенсия тўловларини ҳисоблаб чиқаришнинг ягона тартиби жорий этилиши билан боғлиқ жараёнга оид ахбороти тингланди.

Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш истиқболлари

Сенаторлар, тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мажлисда мустақиллик йилларида пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёши улғунининг хурматини жойига қўйиш, фахрийларимизнинг руҳини, кўнглини кўтариш, улар учун қўшимча қўлайликлар яратиш йўлида тизимли чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори дунёдаги камданкам мамлакатлар қаторида ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши, айниқса, диққатга сазовордир. Кўмита мажлисида пенсия тўловларини ҳисоблаб чиқаришнинг ягона тартиби тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳамда пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида молиялаштириш ҳамда уларни тўлиқ ҳажмда тўлаш, шунингдек, республика фуқароларининг пенсия таъминотиغا йўналтириладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни кучайтириш бўйича 2009 йил 30 декабрда Президентимизнинг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданият

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, оилаларда ва жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, навқирон авлоднинг баркамол бўлиб voyга етиши учун қўлай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари изчил ҳамда босқичма-босқич амалга ошириляпти.

Яқинда қабул қилинган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурида бу борадаги устувор вазифалар белгиланган бўлиб, оила институтини мустақамлаш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш баробарида, соғлом авлодни

шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан ўғил-қизларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси томонидан мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида тиббий маданиятни юксалтириш мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатига шулар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Унда парламент кўйи палатаси депутatlари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирликлари масъуллари, Республика Маънавий тарғибот маркази ходимлари, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, тегишли ташкилот ва идоралар, фуқаролик жамияти инсти-

тути вакиллари ҳамда журналистлар катнашди.

Таъкидланганидек, юртимизда ёшларга оид давлат сиёсатини ташкил этишнинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилган. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Таълим тўғрисида”ги, “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ва бошқа қатор қонунлар юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ҳамда замонавий билимларга эга бўлган ватанпарвар йигит-қизларни тарбиялаш, уларнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, пировардида ҳар бир инсоннинг соғлом турмуш тарзини чуқур англаган ҳолда ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Буюртмачилар — йирик саноат корхоналари

● Навоий

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Навоий шаҳридаги “Gidro-Stanko-Servis” корхонасида амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида тоғ-кон, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқлари учун ишлаб чиқарилаётган асбоб-ускуналар ҳамда бутловчи қисмлар сони 60 тадан ортди. Жумладан, ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тоғ-кон саноатида ишлатиладиган, яъни геология-қидирув жараёнида қўлланиладиган кулақлар, йўл стопори ва пневматик шахтали туртки каби уч турдаги ускунани тайёрлаш йўлга қўйилди.

кон-металлургия комбинати, “Кизилқумцемент”, “Навоийдонмаҳсулотлари” каби ўнлаб йирик саноат корхоналарига қарийб 4 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи асбоб-ускуналар етказиб берилди, — дейди корхона бош муҳандиси Фарҳод Раззоқов. — Жорий йилда ҳам ишлаб чиқариш суръати ва ҳажмини ошириш ниятидамыз. Шу билан бирга, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида геология-бурғилаш ишларида зарур бўладиган эҳтиёт қисмларни тайёрлашга киришамиз.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ноанъанавий ва тежамкор

● Бухоро

“Когон иситкич мосламалар” хусусий корхонаси иш юритувчиси Олим Ҳамидов томонидан яратилган ноанъанавий иситиш тизими ўзининг бир қатор афзалликларга эгаллиги билан кўпчиликнинг эътиборига тушди. — Билми даргоҳимиздаги иккита ўқув блокада мазкур корхона мутахассислари тақлифи асосида марказлаштирилган иситиш усулидан воз кечилиб, локал тизимга ўтилди, — дейди Когон туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Жамол Қўшшаев. — Тажриба тариқасида амалиётга татбиқ этилган бу янгилик ўзини оқлади. Натижада тўртта қозонхона иссиқ. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу тизимда электр энергиясига эҳтиёж йўқ. Ваҳолонки, илгари насосларни ишлатиш учун 15 киловатт-соат электр энергияси сарфланарди. Эндиликда тўртта қозонхона соатига атиги 14 кубометр газ сарфляпти, холос. Марказлаштирилган усулдаги қозонхонада бу кўрсаткич 60–70 кубометрни ташкил этади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли қурилиш материаллари

● Жиззах

Айни пайтда Жиззах вилоятида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш йўналишида 221 корхона фаолият қўрсатапти. Улар томонидан 2015 йилда 118,5 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланди. Жумладан, Жиззах шаҳридаги “Зенаткор” темир-бетон буюмлари масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили 36 миң кубометр темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарилди. — Корхонамизни технологик жиҳатдан янгиллаб бориш доимий эътибор қаратадиган вазифаларимиздандир, — дейди жамият раҳбари Адхам Раҳмонқулов. — Айтайлик, Германиянинг “Weiler” фирмаси ускуналарини

ўрнатганимиздан сўнг маҳсулотларимиз сифати янада ортди. Шу мақсадда 2018 йилгача мўлжалланган чора-тадбирлар режасини белгилаб олганмиз. 65 кишилик жамоамиз меҳнати билан ҳозирги кунда 14 хил темир-бетон маҳсулоти ишлаб чиқаришмоқда. Айниқса, ирригация лотқлари ва бетон қудқларга талаб юқори. Шуниси эътиборлики, вилоятдаги қурилиш иншоотлари учун зарур бўлган темир-бетон маҳсулотларининг 70 фоиздан ортиги айнан ушбу корхонада тайёрланапти. Бу турдаги қурилиш ашёлари қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилляпти.

Муқимбой ИСМОИЛОВ.

Корпоратив бошқарув:

Замонавий тенденциялар, халқаро стандартлар

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўтган йили иқтисодийимизга 3 миллиард 300 миллион АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинган, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари эканлиги бунинг яққол тасдиғидир.

Халқаро конференция очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирини Г. Саидова, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д. Ҳидоятлов, Жаҳон банкининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари вазифасини вақтинчалик бажарувчи Н. Колибашкина ва бошқалар Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг устав капиталдаги давлат активлари ҳамда улушларини қисқартириш орқали давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокчини камайтириш, йирик корхоналарга хорижий инвесторлар ҳамда менежерларни жалб қилиш, уларда корпоратив бошқарув тизимини татбиқ этиш бўйича олиб борилаётган кенг йўналиш ишлар юксак натижалар бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Чиндан ҳам, юртимизда давлат активларини хусусийлаштириш, уларни, энг аввало, чет эллик инвесторларга сотиш борасида ўзига хос тизим яратилган. Бунинг самараси ўларок, ўтган йилнинг ўзида 506 та мулк комплекс инвестиция қилиш шарт билан "ноль" қийматида сотилди. Янги

мулкдорлар ўз зиммаларига қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорига инвестиция киритиш, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олишгани диққатга сазовор.

Бундан ташқари, 245 та паст рентабелли ва фаолият кўрсатмаётган ташкилот тўлиқ тугатилган бўлса, фойдаланилмаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган 353 та давлат мулки объекти бузилди. Бунинг ҳисобига бўшаган 120 гектар ер майдонининг қарийб 80 гектари тадбиркорларга берилгани замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хизматлар кўрсатиш объектлари бунёд этилишига мустақам пойдевор яратди.

Иқтисодиётимизга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишда давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда. Ушбу ҳужжатда халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув услубларини қўллаш, чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларига асос солиш, эски бўлинмалар ва лавозимлар ўрнига халқаро стандартлар ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мосларини ташкил қилиш, ходимлар

фаолияти назоратида миноритар акциядорлар ролини ошириш юзасидан кўплаб чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Натижада ўтган вақт мобайнида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Шу тариқа ҳаётга татбиқ қилинган Лавозим ва касбларнинг янги классификаторига бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган 566 янги тоифа киритилди. Шулар асосида раҳбарлар таркиби аттестациядан ўтказилган, бўшаб қолган лавозимларга пухта билимга эга, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган малакали ёш мутахассислар тайинланган.

— Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш, унда давлат улушини камайтириш борасида улкан муваффақиятлар қўлга киритилган, — дейди Германиянинг "Indecon consulting" компанияси вакили Ханс-Йоахим Шрамм. — Бу кейинги йилларда таркибий ўзгаришлар изчил давом эттирилиб, замонавий бошқарув тартиб-таомиллари жорий қилинаётгани билан боғлиқ. Натижада биргина ўтган йили савдога қўйилган 319 та объектнинг 102 таси янги мулкдорларга сотилган бўлса, яна 378 та акциядорлик жамиятининг давлат улуши чет эллик стратегик инвесторларга сотиш учун очик савдога қўйилди.

Бу жуда яхши кўрсаткич, албатта. Юртингизда яқинда қабул қилинган Корпоратив бошқарув кодекси билан атрофлича танишиб чиқдим ва у жаҳон стандартларига тўлиқ мос келишига амин бўлдим. Ишонч билан айтаманки, ушбу ҳужжат бошқарув соҳасидаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқади. Дунё иқтисодчилари корпоратив бошқарувга рақобатдошлик таъминланган ҳал қилувчи куч сифатида баҳо беришади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мазкур ибора "гурӯх аъзолари ўртасидаги интерактив мулоқот" деган маънони англатади. Бу бошқарув самарадорлигини ошириш учун барча иштирокчи ўртасида фаол мулоқотни йўлга қўйиш, миноритар акциядорлар салмоғини ошириш орқали мулкни ижтимоийлаштириш, бошқача айтганда, корхона бошқаруви унинг фаолиятидан у ёки бу даражада манфаатдор бўлган ҳар бир шахсни жалб этиш, деганидир.

Анжуманда бошқарувнинг мазкур усули ташкилий шакллари ва замонавий услубларини жорий қилиш, соҳа ходимларини халқаро талабларга мос равишда тайёрлаш ва улар малакасини юксалтириш каби вазифалар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

— Бугунги тадбир Корпоратив бошқарув кодексининг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишиш, хориж тажрибасини ўрганиш учун аниқ мурдадо бўлди, — дейди "Дори-дармон" акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

Саидвали Насритдинов. — Масалан, ҳозирги кунда компаниямиз тизимидаги 8 та акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув тамойиллари жорий қилинмоқда. Бунинг ҳисобига, бошқарувда шаффоқлик таъминланиб, тизимнинг инвестициявий жозибадорлигига эришилапти. Шуларни ҳисобга олиб, келгусида компания тасарруфидаги бошқа субъектларда ҳам ушбу усулни жорий этиш режалаштирилмоқда. Бунда Германия давлатида бўлиб, малака ошириб қайтганимиз, бугунги анжуманда олган билимларимиз қўл келади.

Халқаро конференция доирасида ўтказилган семинарда долзарб мавзуларда маърузалар тингланб, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришнинг замонавий тенденциялари, акциядорлар ва жамият жамоаси манфаатлари уйғунлигига эришган ҳолда, бошқариш самарадорлигини ошириш, мазкур жабҳадаги халқаро стандарт ҳамда меъёрларни жорий қилишни жадаллаштириш, халқаро ҳамкорликни кенгайтириш каби масалалар муҳокама этилди.

Буларнинг барчаси юртимизда кечаётган хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, иқтисодиёт тармоқларига жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, акциядорлик жамиятлари бошқаруви самарадорлигини тубдан яхшилаш, стратегик инвесторлар учун уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилишда янги уфқларни очиши, шубҳасиз. Пировардида мамлакатимиз иқтисодий қудрати ошиб, аҳолининг ҳаёт даражаси янада юксалиб бораверади.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Нукусда "Фуқаролик жамияти ривожланишининг сифат ўзгаришлари: Қорақалпоғистон Республикаси мисолида" мавзусида конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида "Соғлом она ва бола — юксак келажақ гарови" деб номланган семинар уюштирилди.

● Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида Қуролли Кучлар резервиги бўшатирилган бир гуруҳ аскарларга олий ўқув юртига ўқишга киришда кўшимча имтиёз берувчи ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасини топширишга бағишланган тадбир ўтказилди.

● Наманганда ташкил этилган давра суҳбатида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини янада кучайтириш муҳокама қилинди.

● Пойтахтимизда Республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан "Оила институтини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Бухоро вилоятидаги "Баркамол авлод" болалар марказида уюштирилган "Биз терроризмга қаршимиз!" шiori остидаги маданий-маърифий тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Бунёдкорлик, ободлик ва фаровонлик

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Шу боис бугун Гулистоннинг қай гўшасига қадам қўйманг, қурилиш-ободчилик жараёнига дуч келасиз. Хусусан, шаҳардан оқиб ўтувчи "Дуслик" канали ўзани бети билан қоплангач, сизот сув-

лар сатҳи кескин пасайди. Бинобарин, ёпиқ ва очик коллекторларни тозалаш, тик дренаж қудуқлар тизимини такомиллаштириш борасидаги юмушлар ҳам намунали йўлга қўйилган. Қолаверса, 10 та кўча кенгайтирилмоқда. Умумий майдони 55 гек-

тардан иборат янги дехқон ва буюм бозорининг асосий иншоотлари ҳам кундан-кунга буй чўза-япти. Буларнинг бари ҳадемай Гулистоннинг ўз номига монанд шаҳарга айланмишдан далолат беради. "Шоирлар боғи", деб аталувчи хиёбон ва унга яқин ҳудудда эса бир неча мушқали фавворалар қурилиши бошлаб юборилди. Янгидан қад ростлаган ўнлаб кўп қаватли бинолар ўз эгаларига топширилди.

— Оила аъзоларининг қувонч чексиз, — дейди Абдусамат Азимов. — Чунки яқинда ўзимиз орзу қилгандек шинам ва кўркам хонадонга кўчиб ўтдик. Буни аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги катта эътибор ва ғамхўрлик меваси, деб биламан.

Тураржой қурилишида иштирок этаятган "Али" хусусий корхонаси раҳбари Темура Зуннуновнинг айтишича, мазкур биноларни бунёд этишда пеноблоклардан ҳам фойдаланилмоқда. Хар жиҳатдан қулай бундай ашёлар корхонанинг ўзида тайёрланапти. Жамоа хозиргача икита кўп қаватли уйни қуриб битказди. Юқоридagi дастурга мувофиқ, пухта теъморий ечимга эга ана шундай тураржой-

лар сони яқин истиқболда 100 тадан ортиши кўзда тутилган.

— Худудимиздаги ўзгаришлар нафақат Гулистон, балки бутун воҳа ахлини қувонтирмоқда, — дейди "Нуроний" жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими раиси Утбосар Абдиев. — Айниқса, ота-хон ва онахонларнинг мамнунигини айтмайсизми?! Қай бирининг сўзига қулоқ тутманг, собиқ тузум даврида бунёд этилган темир-бетон қоримасидан иборат диққинафас уйлар билан ҳозирги мухташам бинолар ўртасида еру осмонча фарқ борлигини таъкидлашди. Тинч-осойишта ҳаётимизга шукроналар айтиб, халқимизнинг яратувчанлик меҳнатига барака тилашди.

Ҳақиқатан ҳам, тинчлик — бебаҳо неъмат. Ободлик эса фаровонлик мезонидир. Бугун хонадонларимиздаги кут-барақа, оилаларимиздаги бахт-саодат тимсолида бунинг аҳамиятини янада теран англаб етатилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Маҳаллалар фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, моддий-техника базасини замон талаблари асосида мустақамлаш ишлари тизимли равишда олиб борилаётгани ушбу ноёб институт ривожига муҳим омил бўлмоқда.

АНЖУМАН

Пойтахтимизда "Маҳалла" фонди республика бошқаруви томонидан ташкил қилинган матбуот анжумани мазкур йўналишда эришилаётган натижалар ҳамда галдаги долзарб вазифаларга бағишланди. Қайд этилганидек, бугунги кунда фуқаролар йиғинлари учун янги хизмат биланлари қуриш, мавжудларини таъмирлаш ва уларда ҳар томонлама қулай шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йили 674 фуқаролар йиғини биноси таъмирдан чиқарилиб, 142 таси қайта реконструкция қилинган, 122 та хизмат биноси янгидан қурилган

бунга яққол мисолдир. Ўз навбатида, 664 фуқаролар йиғини компьютер жамламаси, қарийб икки мингта-си мебель жиҳозлари билан таъминланди.

— Бугунги кунда маҳалла институтининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга мольа ўттиздан ортиқ вазифаларини самарали амалга ошириб келаяпти, — дейди "Маҳалла" фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д. Мирзажоннова. — Албатта, бу жараёнда маҳаллаларга услубий-амалий кўмаклашиш аниқ заруратдир. Шу маънода, шаҳар ва туман марказларидаги маҳаллалар билан бир қаторда чекка ҳудудлардаги фуқаролар

йиғинларининг фаолиятини ҳам янада такомиллаштириш, айниқса, "Оила" — маҳалла — таълим муассасаси ҳамкорлигини, "Ота-оналар университети", "Маслаҳат марказлари" ҳамда жамоатчилик комиссиялари ишини самарали ташкил этиш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ қилинмоқда.

Тадбирда фуқаролар йиғинларини тегишли услубий адабиётлар билан таъминлаш юзасидан ҳам изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани таъкидланди. Жумладан, ўтган йили "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тартибга солувчи

кунун ҳужжатлари тўплами", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига раҳбарлар тайёрланган. Қолаверса, "Фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш ва фаолияти самарадорлигини ташкил этиш", "Фуқаролар йиғинининг "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси ишини ташкил этишнинг тартиб-таомиллари (юз саволга юз жавоб)" номили услубий кўпнама, фуқаролар йиғинларидаги яраштираш, маърифат ва маънавият масалалари, хотин-қизлар билан ишлаш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссиялар учун услубий тавсиялар, "Оилавий-ҳуқуқий муносабатлар" ҳамда "Оилада маънавий-

ахлоқий тарбия" номили оммабап рисоалар тайёрланиб, маҳаллаларга етказиб берилаётган.

Шу билан бирга, ёшларни спортга кенг жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этишига кўмаклашиш мақсадида Фонд ҳисобидан маҳаллаларда 318 та болалар майдончаси таъмирланди, 84 таси намунавий лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2213 та маҳалла гузари шахмат ва шашка тўпламлари, мебель жиҳозлари, стол теннис ҳамда 9 турдаги республика ва маҳаллий даврий нашрлар, шунингдек, бадий адабиётлар билан таъминланди.

Анжуманда "Маҳалла" фонди томонидан Соғлом она ва бола йилида амалга оширилиши режалаштирилган чора-тадбирлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш истиқболлари

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Мазкур ҳужжат пенсия таъминоти тизимининг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан пенсиялар ва ижтимоий нафақаларнинг тўлиқ ҳажмида тўланишини ўз вақтида молиялаштириш ва амалга ошириш ҳамда пенсия таъминотига йўналтирилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришда дастуриламал бўлмоқда.

Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлашининг норматив-ҳуқуқий базасини янада мустақамлаш бўйича тегишли низомилар тасдиқланди. Ушбу низомилар пенсиялар тайинлаш, қайта ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш, марказлаштирилган назорат механизмининг белгилаш ҳамда шакллантиришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Натижада 2012 йилда мамлакатимизда маълумотларнинг ягона электрон базаси яратилиб, "Пенсия" дастури ишлаб чиқилди ҳамда амалиётга йўналтирилди. Мазкур дастур самарасида пенсия тўловларини ҳисоблаб чиқаришнинг ягона тартибига ўтилди ҳамда фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимида сифат ўзгаришларига эришилди.

Шу билан бирга, Ҳукумат қарорига мувофиқ, 2015 — 2017 йилларда пенсия таъминотининг ягона идоралардан интеграциялаштирилган ахборот тизимини жорий этиш чоратадбирлари тасдиқланди.

Ушбу тизим пенсиялар ва ижтимоий нафақаларни тайинлашнинг энг қулай тизимини яратишга, маълумотномалар ва тасдиқловчи ҳужжатларни қозғош шаклида олишни истисно этишга, қолаверса, пенсиялар ва нафақаларни тўлаш учун маблағларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлашга хизмат қилади. Бу, айниқса, юртимизда изчил жорий этилаётган "Электрон ҳукумат" тизими тамойиллари билан узвий боғлиқдир.

— Ёши улғу инсонларни эъзозлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фуқаролар кескайганда, меҳнатга бўлган лаёқа-

тини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олишга доир конституциявий ҳуқуқини рўйбга чиқариш давлатимиз ижтимоий сибесатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Э. Рўзметов. — Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг пенсия таъминоти самарадорлиги оширилиб, ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириб боришмоқда. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, қўмитаси вазирлик ахборотини эшитишга тайёргарлик қўриш жараёнида масалани жойларда чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқди, бу тадбирда соҳа экспертлари, жамоат ташкилотлари вакиллари салоҳиятидан унумли фойдаланди. Бу эса ушбу масала бўйича тадбирнинг амалий ва ҳаётий тақлифларга бой бўлишида, одамларимизни йўлантираётган масалаларга асосли ечим топишда муҳим аҳамият касб этди.

Ахборотни муҳокама қилиш ҳоғида сенаторлар томонидан аҳолининг пенсия таъминоти тизимини анча такомиллаштирилгани, пенсия тўловлари ўз вақтида тайинланаётгани, маблағлардан мақсадли фойдаланилаётгани ҳамда пенсияларни тайинлашда ортиқча бюрократик тўсиқларга барҳам берилаётгани қайд этилди.

Ўз навбатида, аҳолидан келиб тушаётган аризалар ва тақлифларни чуқур таҳлил қилиш, илғор халқаро тажрибани ўрганиш, фуқароларнинг меҳнат стажини ва ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотлар электрон базасини яратиш асосида уларнинг пенсия таъминоти тизимини янада ривожлантиришга қаратилган тақлиф билдирилди. Пенсия тўловларини ҳисоблаб чиқаришнинг ягона тартибининг тўлиқ жорий қилишда йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни бартараф этиш мақсадида бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Муҳокама якунларига кўра, тегишли қарор қабул қилинди.

Қобил ХИДИРОВ.

Соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданият

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давра суҳбатида ёш авлоднинг тиббий маданиятини оширишда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг аҳамияти катта эканлигига урғу берилди. Шу билан бирга, хотин-қизлар саломатлигини асраш, фуқароларнинг санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилишларига оид кўникмаларини мустақамлаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар амалиётга изчил йўналтирилгани қайд этилди. Ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг омаллаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда қизларнинг спорт билан мунтазам шугулланишини учун барча имкониятни яратиш, юқори малакали аёл мураббийлар тайёрлаш, янги спорт объектларини қуриш, мавжудларининг моддий-техника базасини такомиллаштириш, замонавий спорт анжумлари ва ускуналари билан жиҳозлаш ҳам асосий вазифалар сирасидандир.

Тадбирда сўзга чиққан болани тарбиялаш ва вояга етказишда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти беқиёслигига эътибор қаратишди. Уларнинг фикрича, мактабга таълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, мактабга таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактабларида тиббий маданиятга оид фан дастурлари, факультатив дарсларни янада кучайтириш ҳаётий зарурат ҳисобланмоқда. Ушбу жараёнда соҳага тегишли қўнуларнинг, давлат дастурларининг ижросини назорат-таҳлил тартибиде ўрганиб бориш, аниқ йўналишдаги қўнучиликни таъминлаштириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш тадбирларини мунтазам ташкил этишнинг муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Давра суҳбати якунида жамиятда тиббий маданиятни юксалтиришга қаратилган чораларни янада кучайтириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА.

ЭЗГУЛИК

Мутал Бурхоновни билмайдиган, у ҳақда эшитмаган одам бўлмас керак. Замонамизнинг етук санъаткорларидан бири, атоқли бастакор миллий мусиқа маданияти ривожига улкан ҳисса қўшди. Кўпгина ўзбек композиторлари санъатга бўлган муҳаббатни, ижоднинг сеҳрли сир-синоати ва анъаналарини шу устоздан ўрганганман.

Барҳаёт наволар сеҳри

Табиатдаги ўзига хос нолик тароватларини шоирлар шеърга солса, мусаввирлар бўёққа кўчиради, мусиқачи эса куй ва қўшиқларда ифодалайди. Таниқли бастакор қадимий Бухорода камол топди. У улғувор обидалар сеҳри, табиат гўзаллигидан қаттиқ таъсирланар, қалбида ажиб туйғулар жўш урар, қувончдан вужуди тўлиб-тошиб нимадир айтгиси, чўққиларга қараб хайқиргиси келарди. Буларнинг барчаси қалбидан куй-қўшиқ, йирик шаклдаги мусиқа асарлари бўлиб отилиб чиқди.

Унинг ижоди миллий мусиқамизнинг ёрқин саҳифаларини ташкил этди, десак муболага эмас. Булар орасида нафис ва дардли "Ишқидан", "Табассум қилмадинг ҳеч", "Келса ноғох", "Боғим", "Ишқ ўти", "Эй, булбул" каби романслари, "Алишер Навоий" операси, "Алишер Навоийга қасида", "Абдий хотира" рекевиеси, "Ибн Сино", "Мафтуннингман", "Орол балиқчилари", "Самолётлар кўна олмади", "Сурайё", "Истиқбол йўли" фильмларига яратган куй ва қўшиқлари маълум ҳамда машҳур. Композиторнинг жўрсиз хор учун мослаган ўзбек, тожик, қорақалпоқ, уйғур, афғон, эрон халқ қўшиқлари жаҳоншумул аҳамиятга эга бадий асарлар саналади.

Устоз ижодида Алишер Навоий билан боғлиқ мавзу алоҳида ўрин эгаллайди. Улуғ шоир сиймоси композиторнинг асосий ижод мавзусига бир умр ҳамроҳлик қилди. Янги асар билан учрашув олдида кишида ҳаммиша қувонч, фавқулодда ҳодисани кутиш туйғуси яширинган бўлади. Агар шу асар билан танишувдан сўнг фикрлар ойдинлашса, қалб тўғна келиб, инсонни эзгуликка чорласагина, ижодкор ўз мақсадига эришади. Композиторнинг турли ижодий даврларида яратилган мусиқа асарлари, жумладан, "Гул диёрим", "Баҳор қўшиғи", "Ватан", "Мафтун бўлдим", "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" номли

қўшиқлари, скрипка, виолончел ва фортепиано учун "Трио"си ҳамон республикамиз таниқли санъаткорлари томонидан моҳирона ижро этилмоқда.

Бастакорнинг "Кўнгул хазинаси" китобида Ўзбекистон Давлат мадҳиясининг яратилиши ҳақида шундай дейилади: "Ватан туйғуси, Ватан мадҳияси... Бу тушунчалар муштарак, бир-бировига уйғунлашиб кетган. Ватанни мадҳ этиш, уни улғулаш ҳар бир инсон қалбидан ўрин олиши керак... Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Давлат мадҳияси янги, истиқлол руҳида кун тартибига кўйилди. Муҳокама ва тортишувлардан кейин, мен ёзган мадҳияни ҳам танловга киритишди. Меҳнатлар зое кетмади. Мусиқанинг ярмига келганда олқашлар бошланди".

Мутал Бурхон асарларининг фазилатларидан бири миллийликдир. Устоз рус ва Европа мумтоз мусиқаси анъаналари асосида теран миллий руҳ билан сугорилган асарлар яратди.

Миллий руҳ фақат мусиқий тилда эмас, балки асар мазмунида ҳам, образларнинг характер мантиқида ҳам, халқ руҳининг тасвирида ҳам ёрқин кўринади. Шу маънода, атоқли бастакор асарларида тафаккур ва ҳиссиёт муштараклигини сезиш мумкин.

Умрининг охириг йилларини она шаҳри Бухорода ўтказган таниқли ижодкорнинг меҳнати истиқлол йилларида муносиб қадрини топди. "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби", "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти" фахрий унвонлари, "Буюк хизматлари учун", "Эл-юрт хурмати" орденлари билан тақдирланди.

Устоз санъатимиз хазинасини бир қатор янги мусиқа асарлари билан бойитди. Ишончим комилки, улар асрлар оша яшайди. Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 11 январдаги баёнида атоқли бастакор Мутал Бурхоннинг юз йиллигини нишонлаш бўйича чоратadbirlar белгилангани биз, санъат аҳлини беҳад қувонтирди. Зеро, улғу бастакорнинг ўлмас мадҳияси, бетакор куйлари ҳали не-не қалбларни забт этаҳақ!

Мустафо БАҒОЕВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори,
«Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳиби.

МАҲОРАТ ВА ИСТЕЪДОД ЭЪЗОЗИ

Халқимиз азалдан ўзининг уста-хунармандлари билан етти иккимга машҳур. Аждодларимиз томонидан яратилган беназир буюмлар, бунёдкорлик намуналари жаҳон аҳлини ўзига мафтун этиб келаётир. Истиқлол туйғали қадимий анъаналар қайта тиклани ҳамда янада ривожлантирилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони муҳим дастуриламал бўлаётир.



ХУНАРМАНДЧИЛИК

Бугун юртимизнинг олис қишлоқларида ҳам ёғоч ва тош ўймакорлиги, кулоллик, зардўзлик, наққошлик, каштадўзлик, гиламдўзлик, заргарлик мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Уларда "Устоз — шогирд" анъаналари йўлга қўйилган бўлиб, ёшларимиз минг йиллар мобайнида асраб-авайлаб келинаётган хунар сирларини кунт билан ўрганишяпти. Республика "Хунарманд" уюшмаси қошидаги 700 дан ортиқ "Уста — шогирд" мактабларида қўллаб қасб-хунар коллежлари бити-

рувчилари маҳорат сабоқларини олишмоқда. Утган йили улардан 392 нафари уюшма аъзоллигига имтиёзли тарзда қабул қилинди.

Фамхўрлик ва эътибор кишини янги-янги марралар сари ундайди. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Ташаббус" кўриктанлови бу борада муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, "Мустақил юрт хунармандлари", "Ўзбекистон халқ амалий санъати — дунё нигоҳида",

"Мустақиллик нафасида камол топган хунармандлар", "Навқирон Ўзбекистон", "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" сингари кўргазма ва танловлар уюштирилмоқдаки, уларнинг барчаси бир мақсадга — ёш хунармандларни кашф этиш, қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамда маҳсулотларини тарғиб қилишга қаратилган.

Умуман, бугун хунар эгаллашга кенг имкониятлар яратилган. Хусусан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда беш нафар шогирдни жалб қилиш, устани ижарага олиш, буюм ва товарларини сотиш учун

ихтисослаштирилган дўкон ҳамда шохобчалар ташкил этишлари мумкин. Энг муҳими, хунармандлар ижтимоий суғурта қилиниб, иш даври белгиланган тартибда меҳнат давомийлигига қўшилади. "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлган, Пенсия жамғармасига белгиланган бадални мунтазам тўлаб борганлар нафақа ёшига етгач, иш стажи тўлиқ ҳисобланиши тегишли ҳужжатларда ўз аксини топган.

— Бугун юртимизда хунармандлар кадр топди, — дейди республика "Хунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Азизулла Раҳматуллаев. — Устозларимиз асрлар давомида сайқалланиб келаётган маданий меросимизни асраб-авайлаб, бежирим асарлар яратишга ҳаракат қилишяпти. Жумладан, ёғоч ўймакорлиги йўналишида ҳам қўллаб янгиланишлар рўй берди. Пойтахтимиз ва вилоятларимиздаги мухташам бинолар, замонавийлик касб этган қадамжоларнинг меъморий ечимида буни яққол кузатишимиз мумкин. Мазкур жараёнда ёшларимизнинг алоҳида ўрни борлиги барчамизга қувонч бағишлайди.

Хунармандларимизнинг хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазмаларда қатна-

шиб, халқимизнинг ноёб анъаналарини намойиш этаётгани ҳам таҳсинга сазовор. Бинобарин, 2014 йили гижувонлик уста кулол Алишер Нарзуллаев Португалиянинг Лиссабон шаҳрида ташкиллаштирилган "Вера — 2014" халқаро тасвирий санъат ярмаркасида бош мукофот — Гран-прини қўлга киритган бўлса, риштонлик Алишер ва Бахтиёр Назировлар дунёнинг қўллаб давлатларида бўлиб ўтган фестивалларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

— Бир замонлар кулоллик маҳсулотларимизни хорижга олиб чиқиш ушалмас орзу эди, — дейди Алишер Нарзуллаев. — Мустақиллик туйғали хунармандларимиз кенг ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлди. Дунёнинг бирор бир ерида бундай гамхўрлик йўқ. Ўзимдан мисол, шахсий устaxonам бор. Ўнлаб ёшларга кулоллик сир-асрорини ўргата-япман. Қисқаси, юртимизда хунармандман, устаман, деган одамнинг кўксига шамол тегиши. Улар касбу қоридан мамнун бўлиб меҳнат қилмоқдалар.

Хунармандчилик маҳсулотлари — маҳорат ва машаққатли меҳнат меваси. Уларда халқимиз анъаналари, орзуинтилишлари мужассам. Шу боис бундай қадимий хунар сирларини асраб-авайлаш эзгу мақсадлардан бирига айлангани алоҳида қадридлидир.

Дилмурод СОДИҚОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ГАМХЎРЛИК

Шифо масканининг янги қиёфаси

Хива тумани тиббиёт бирлашмасининг 150 ўринли туғруқ мажмуаси ва 65 ўринли болалар бўлими янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунинг учун салкам 6 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Ўз навбатида, шифо маскани атрофи ободонлаштирилиб, манзарали дарахт қўчатлари ўтказилди. Бу ерга келтирилган энг сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари эса беморларга аниқ ва тезкор ташхис қўйиш ҳамда хасталикларни самарали даволаш имконини беради.

Умуман олганда, вилоятда ўтган йили 11 та тиббиёт муассасасида 27 миллиард сўмликдан ортиқ мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундай хайрли чоратadbirlar жорий — Соғлом она ва бола йиллида изчил давом эттирилмоқда.

Ойбек РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Болалар саломатлиги эътиборда

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан 11 нафар бола бепул даволаниш учун Германиянинг нуфузли клиникаларига юборилди.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунгача 300 нафар ўғил-қиз жамғарма ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилотининг ҳамкорлик лойиҳаси доирасида ушбу мамлакатнинг нуфуз-

ли клиникаларида муолажа олиб қайтди. Шунингдек, ўтган йили 166 нафар бола мазкур халқаро ташкилот гранти асосида юртимиз шифохоналарида операция қилиниб, тўлиқ соғломлаштирилди.

Аббос ЭРГАШЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



2016 йил 17 февралда

MOODY'S
Халқаро рейтинг агентлиги

«АСАКА»
акциядорлик
тижорат банкининг
рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар истиқболи
«БАРҚАРОР»

Хизматлар лицензияланган.

«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК
Беларусь «AMKODOR» машинасозлик холдингининг Ўзбекистондаги расмий дистрибьютори

Олд томонга йўналтирилган ва универсал юкловчилар | Борти айланадиган юкловчилар | Автогрейдерлар | Узиюрар галтакли машиналар

БЕЛАРУСЬ ЙЎЛ-ҚУРИЛИШ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, МАИШИЙ ХИЗМАТ ВА МАХСУС ТЕХНИКАСИ

Юкловчи экскаваторлар | Канал тозаловчи экскаваторлар | Фрезер машиналар | Санчки автоюкловчилар

Маҳсулот сертификатланган.
Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 355-48-85, (+99894) 669-29-71.
100005, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 8 Март к., 57-уй. e-mail: amkodortashkent@mail.ru, ajle@mail.ru www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 267. 141 724 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-6788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жаҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.45 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5 6